OLAMSPORT
Қидирув
UZ
КИРИШ

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ БОКС/ММА ҚИЗИҚАРЛИ! БОКС РЕЙТИНГИ ФОТОГАЛЕРЕЯ БОШҚАЛАР




# Янгиликлар

08 июн 19:57



Бошқалар

## Жисмоний тарбия ва спорт таълими доимий эътиборда

Теглар : Жисмоний тарбия ва спорт | Чирчиқ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошқариш тизимини такомиллаштириш, оммавий спортни ривожлантириш, иқтидорли спортчиларни танлаш ва тарбиялаш, соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, жойларидаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини жойларда ташкил этишни янада такомиллаштириш ва таълим сифатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республика Президентининг 2017-йил ПҚ-3152 сонли қарори асосида Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ташкил этилди.



Дастлаб, институтда 5 та факультет иш бошлаган бўлса, ҳозирги кунда университет мақоми остида 10 та факультет фаолиятини давом этирмоқда ва шулардан бири Жисмоний маданият факультетидир (декан, доцент (PhD) Телман Ачилов). Факультет қошида эса 4 та кафедра - Жисмоний маданият назарияси кафедраси (мудири, доцент (PhD) Илҳом Чориев), Спорт ўйинлари ва уни ўқитиш методикаси кафедраси (мудири, доцент (PhD) Воҳид Караев), Жисмоний маданият ва спорт кафедраси (мудири, доцент (PhD) Акромжон Абдулахатов), Технолог таълим кафедраси (мудири Жамшид Ҳамидов) ташкил этилди.

СЎНГГИ ЯНГИЛИКЛАР

11:39 Жонни Уокернинг укаси Уолтер дўсти Богдан Гусков иштирокидаги жангга тахмин билдирди 0

11:18 Дана Уайт Жон Жонс ҳақида: "Агар у истеъфога чиқмоқчи бўлса, биз розимиз" 0

10:57 UFC 316 жангчиларининг гонорарлари: Уч иштирокчи миллиондан кўп "лой" олган 0

10:36 Испания — Португалия учрашувининг энг яхши ўйинчиси ким бўлди? 0

10:15 "Eindhoven Cup". Асадхўжа Мўйдинхўжаев ва Тўрабек Ҳабибуллаев 1/2 финалда қандай натижа қайд этди? 0

09:54 Жаҳонгир Жумаевнинг жанги бекор қилинди. Сабабини аралаш яккакураш устамизнинг ўзи очиқлади 0

09:33 Никита Крилов билан жанг Богданнинг фаолиятидаги энг муҳим баҳсми? Гусковнинг ўзи бунга жавоб берди 0

09:12 Португалия — УЕФА Миллатлар лигаси ғолиби! Испанлар пенальтилар сериясида мағлуб этилди + ВИДЕО 0

08:51 Жасур Алижонов нима учун Рамазон Темировнинг Асу Алмабаев билан жанг қилишини хоҳламаганини айтди 0

23:58 "Ролан Гаррос". Деярли ярим асрлик рекордни янгилаган даҳшатли финал якунланди 0

23:01 Кайла Харрисоннинг бугунги ғалабасидан кейин Аманда Нуньес октагонга қайтишини эълон қилди 0

22:34 Қатар терма жамоаси Тошкентга етиб келди + ФОТО 0

21:43 "Eindhoven Cup". Абдумалик Халоков финал чиптаси учун рингга кўтарилди 0

20:47 Токиода икки чемпион ўртасида бирлаштирувчи дерби жанги бўлиб ўтди 0

**19:57 Жисмоний тарбия ва спорт таълими доимий эътиборда 0**

яна янгиликлар




Факультетда айни пайтда 2392 талаба 40 нафар малакали профессор-ўқитувчилар устозлигида таҳсил олишмоқда. Факлультет ҳамкорлик алоқаларига алоҳида эътибор қаратган.




Хусусан, Жисмоний маданият факультети педагогик таълим инновацион кластерида белгиланган вазифаларни бажариш, Янги Ўзбекистоннинг янги педагогик кадрларини тайёрлаш, ўқув-услубий таъминотни такомиллаштириш, илмий-амалий тадқиқотларни халқаро доирада амалга ошириш, халқаро даражадаги ўқитувчиларни тайёрлаш мақсадида Тошкент вилоятидаги умумий ўрта таълим ва касб-ҳунар мактаблари, Республика олий таълим муассассалари, хорижий олий таълим муассассалари ҳамда кўплаб жамоат ташкилотлари билан манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.




**Ҳамкорликка йўналтирилган тадқиқотларда амалга ошириладиган вазифалар қуйидагилар:**

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 июндаги ПҚ-289-сонли қарори ижросини таъминлашга қаратилган умумтаълим мактаблари билан ҳамкорликни такомиллаштириш;

- Республикадаги олий таълим муассасалари билан талабалар академик мобиллиги ёрдамида тажриба алмашиш;



Республика кураш институти, ЎзДЖТСУ, Мухтор Авезов номидаги жанубий Қозоғистон университети ҳамда МОҚ ҳамкорлигидаги жисмоний маданият, спорт ва маънавий-маърифий тадбирларни тизимли ташкил этиш, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритиб боришдан иборат.



Бундан ташқари талбаларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, иқтидорли талабаларни саралаш, Универсиада спорт ўйинларига муносиб тайёргарлик куриш каби мақсадларни кўзлаган ҳолда турли спорт тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган. Жумладан, футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, кураш, стол-тенниси, шахмат, шашка, енгил атлетика, воркаут сингари тўгаракларда талаба-ёшлар кўпчиликни ташкил  этади.



Факультет талабаларининг мусобақалардаги ютуқлари ҳам бисёр. Талабаларимиз кураш, дзюдо, волейбол, футбол, енгил атлетика сингари мусобақаларнинг Республика финал босқичларида иштирок этиб, кучли учликдан жой олишга муваффақ бўлишмоқда.

Дарвоқе, мамнуният билан таъкидлаш жоиз, 2024-2025 ўқув йилида факультет биноси тўлиқ қайта таъмирдан чиқарилди, спорт майдонлари эса қайтадан қуриб битказилди. Амалий машғулотлар, дарс жараёнлари энди замонавий спорт майдонларида, кенг ва ёруғ хоналарда олиб борилмоқда.




Бир сўз билан айтганда, университетда таълимга, хусусан, жисмоний тарбия ва спортга қаратилган эътиборни эътирофга сазовор, дейиш мумкин.






JAKO
Reebok



**Абдилҳаким ЖУМАЕВ, Жисмоний маданият факультетининг Жисмоний маданият ва спорт кафедраси катта ўқитувчиси**

**Ҳавола :** https://olamsport.com/uz/news/118524

Olamsport.com сайтининг **Telegram** даги саҳифасини кузатинг!

РЕЙТИНГ:

Хабар ёқдими? Биринчилардан бўлиб дўстларингиз билан ўртоқлашинг! 0 0

**Ўхшаш янгиликлар**

18:32 Спорт гимнастикачиларимизнинг Осиё чемпионати учун таркиби маълум 0

17:36 Россия хоккей терма жамоаси 2026 йилги қишки Олимпия ўйинларини ўтказиб юборади, русларнинг ўрнини қайси жамоа эгаллаши маълум 0

16:07 “Алпомиш ва Барчиной” халқаро турнирида ғолиблар аниқланди 0

REKLAMA
turbo.gh.uz



52 186 100 сўм
1к. квартира скидка до



87 977 937 сўм
3к. квартира скидка до



71 235 627 сўм
2к. квартира скидка до



47 246 805 сўм
1к. квартира скидка до



49 342 994 сўм
1к. квартира скидка до

## Фикрлар

Фикр қолдириш учун авторизациядан ўтинг

< сўнгги янгиликларни кўриш

Olamsport.com © 2025

Фойдаланувчи шартномаси | Алоқа | Privacy

Биз ижтимоий тармоқларда::

Telegram Facebook Twitter Instagram